

## ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ: МУВОЗАНАТ ТИКЛАНМОҚДА

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан ташкил этилган танатанали маросимдаги чиқишида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласига алоҳида урғу берди. Чунончи, Президентимиз ҳуқуқий маданият, қонун олдида тенглик, судларнинг мустақиллигини таъминлаш каби қатор масалаларга эътибор қаратар экан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фақат халқ манфаати учун хизмат қиладиган идораларга айланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Хусусан, бу мақсадда жиноят процессуал жараёнларни тўлиқ тасвирга олиш таклиф этилди. Яъни, амалдаги қонунчиликда ўта оғир турдаги жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш, тинтув, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳамда тергов эксперименти тергов ҳаракатларини тасвирга олиш шартлиги белгиланган. Давлатимиз раҳбари шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, агарда ҳимоячидан воз кечадиган бўлса бу жараённи ҳам тасвирга олиш, фуқаронинг ушлангани тўғрисида оила аъзоларига зудлик билан хабар етказилишини ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттириш билан бирга видеотасвирга олиш шартлигини билдириб ўтди.

Дарҳақиқат, суриштирув ва тергов учун жиноят процесси қатнашчилари: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, холис, таржимон, эксперт билан боғлиқ барча жараёнларнинг тасвирга олиниши инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимояланишини таъминлайди. Жумладан, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан руҳий босим, куч ишлатилишининг олди олинади. Қолаверса, амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар фақат ўта оғир жиноят содир этганлар билан боғлиқ процессларни видеотасвирга туширишни назарда тутди, холос.

— Яқин келажакда шахс ҳуқуқлари чекланиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатларнинг барчасини тасвирга олиш қонунчилигимизда шарт қилиб белгиланади, — дейди Жиззах вилояти ИИБ транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлими тергов гуруҳи терговчиси, капитан Муштарий Эшниёзова. — Бу эса гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, холис ва бошқаларга нисбатан тазйиқ ишлатилиши, инсон шаъни ва қадр-қимматининг камситилмаслиги, далилларнинг тўғри қўлланилиши, натижада адолат қарор топишига асос бўлади. Терговни чалғитиш ниятида ёлғон кўрсатма бериш ёки сохта далиллар тақдим қилиш имкониятлари ҳам йўққа чиқади.

Дастлабки тергов жараёнининг видеотасвирга олиниши далиллаш ва исботлаш билан боғлиқ процессларнинг қонун талабларидан оғишмай бажарилишига ҳам сабаб бўлади. Яна ҳам аниқроғи, ишга масъулиятсизлик, эътиборсизлик ёхуд коррупциянинг ҳалақит бериши чекланади. Натижада сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувларни ҳодиса бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, эксперимент, экспертиза,

тафтиш, гувоҳлантириш, олиб қўйиш, тинтув каби тергов ҳаракатлари янада сифатли ташкил этилади.

Бунинг учун эса соҳа вакиллари зарурий ускуна ва шароитларга эга бўлиши керак. Шу маънода, мамлакатимиз ички ишлар тизимида овоз ва тасвир ёзиладиган тергов хонаси, ўсмирларни тергов қилиш, кузатув, овоз ва тасвир ёзилишини назорат қилувчи хоналарга эга махсус тергов мажмуалари юзага келтирилмоқда. Мисол учун Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани ички ишлар бўлими ҳамда Жиззах шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасида ана шундай замонавий тергов мажмуалари барпо этилди.

Тасвирга олиш ва овозларни ёзиш воситалари билан таъминланган мазкур тергов мажмуаларида нафақат кўрсатма олиш, балки айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳни бир-бирига кўрсатмасдан юзлаштириш имконияти бор. Халқаро талабларга мос бундай тергов мажмуаларини вилоятнинг Фориш ва Шароф Рашидов туманларида ҳам бунёд этиш чоралари кўрилаяпти. Бундан ташқари вилоятдаги ички ишлар органларининг барча терговчилари фойдаланувидagi компьютерлар веб-камераларга эга. Ана шу камералар орқали гувоҳларнинг кўрсатмалари видео ва аудио шаклида қайд қилиниб, далиллар мустаҳкамланмоқда.

— Тергов жараёнида замонавий ахборот ва алоқа воситаларининг қўлланиши фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш ҳамда вақтдан самарали фойдаланишга омил бўлмоқда, — дейди Жиззах вилояти ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармаси катта терговчиси, капитан Бахтиёр Ширинкулов. — Мисол учун олисда яшаётган фуқаролардан видеоконференц алоқа ёрдамида кўрсатмалар олиниб, процессуал тартибда расмийлаштирилмоқда. Шунингдек, тергов жараёнининг бориши тўғрисида манфаатдор томонларга SMS хабарнома тарзида хабарлар жўнатишни йўлга қўйганмиз. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, юртимизда Президентимиз ташаббуси билан инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган тамойиллар жадал ва изчил мукамаллаштирилмоқда.

Мазкур фикрни давом эттирган ҳолда айтиш мумкинки, республикамиз раҳбари томонидан 2019 йилнинг 13 декабрида “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарор имзоланди. Бу ҳуқуқий ҳужжатга кўра, 2020 йилнинг 1 апрелидан бошлаб шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видеотасвирга тушириш тартиби жорий этилади.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига улар томонидан шахс ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда бошқа қариндошлари ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурият юкланади. 2020 йилнинг 1 июлидан бошлаб эса ҳуқуқни

чеклайдиган процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жумладан, шахсни ушлаб туриш ҳолатлари ягона электрон ҳисобга олиш тизимига киритиб борилади.

Масалага бундай ёндашув фуқаролар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ўртасидаги ҳуқуқий, таъбир жоиз бўлса, имкониятлар мувозанатининг тенглашаётганидан даракдир. Инсон ҳуқуқларининг тўлақонлиги таъминланиши фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти билан бевосита боғлиқ эканлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Яна шу нарса аниқки, ушбу янгиланишлар жиноят қидирув, суриштирув ва тергов соҳаларида фаолият кўрсатаётган ходимлардан янада кўпроқ билим, ирода ҳамда қонунга қатъий итоатни талаб этади.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
**“Postda” мухбири.**  
**Жиззах вилояти.**